

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

390 Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдо тушуми инкассация қилинишини ва назорат-касса машиналаридан фойдаланишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 11 декабрдаги 548-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдо тушуми инкассация қилинишини ва назорат-касса машиналаридан фойдаланишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 11 декабрдаги 548-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 11-12-сон, 39-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 9 август,
254-сон

32 (740)-сон

— 23 —

390-391-моддалар

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 9 августдаги 254-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдо тушуми
инкассация қилинишини ва назорат-касса машиналаридан
фойдаланишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»
1997 йил 11 декабрдаги 548-сон қарорига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. 5-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисида низом талабларининг тегишли ташкилотлар томонидан оғишмай бажарилиши устидан доимий назоратни таъминласинлар».